Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 27 декабрь шанба.
Сотувда эркин нархда. № 262 (1779)

## КЕЧА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ X СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ







## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

### АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 26 декабрь куни ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов парламент мажлисида иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов бошқарди.

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинованинг Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Лойиҳани муҳокама қилишда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова, "Нуроний" фахрийлар жамғармаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси С. Усмонов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова иштирок этди.

Парламент Оила кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлади. Уни умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Шу масала юзасидан парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов маъруза қилди. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш республика ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси, "Ҳуррият" газетасининг бош муҳаррири Х. Дўстмуҳамедов, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш. Норбоева, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг раиси, "Миллий тикланиш" газетасининг бош муҳаррири И. Ғафуров, Бухоро вилояти Қоракўл тумани касаба уюшмаларини мувофиқлаштириш кенгаши раиси М.Олтиев, "Ўзэлектроаппарат" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Алимбоев сўзга чиққандан сўнг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Парламентнинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг аъзоси Ш. Жўраев Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида сўзга чиқди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Тошкент Давлат аграр университети ректори Х. Бўриев, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Ш. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги "Оқ олтин" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Ҳалимбетов иштирок этди. Бу қонун ҳам қабул қилинди.

Олий Мажлис Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳани депутатларга Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг аъзоси Ш. Жўраев тақдим этди. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими А. Абдувосиқов, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов, Фарғона шаҳри Қиргули тумани ҳокими В. Белоногов сўзга чиққандан сўнг депутатлар қонунни тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маъруза қилди.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент Давлат юридик институтининг ректори Ҳ. Бобоев, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокими К. Нуниёзов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Депутатлар Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошевнинг маърузаси юзасидан Божхона кодекси лойиҳасини кўриб чиқдилар ҳамда уни қабул қилиш ва 1998 йил 1 мартдан кучга киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат, Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш, Халқаро ишлар ва мамлакатлараро алоқалар, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари томонидан киритилган Ўзбекистоннинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришадилар. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоиловнинг маърузасидан сўнг парламент мазкур қонунни қабул қилди.

Олий Мажлис айрим қонун ҳужжатлари тўла ёки қисман ўз кучини йўқотганини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилди, Ўзбекистоннинг бир қанча халқаро конвенцияга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлис ўнинчи сессияси котибиятининг раҳбари, Ўзбекистон халқ-демократик партияси Шаҳрихон туман кенгашининг биринчи котиби М. Отабоев сессия номига келган мактублар ҳамда депутатлар, корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари ва айрим фуқароларнинг аризалари тўғрисида ахборот берди.

Парламент Олий суд раиси У. Мингбоевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритди. Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгаришлар киритилди.

Сўнгра Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ва Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади.

Олий Мажлис Раиси Э. Халилов минбарга чиқади.

Бугун, Олий Мажлиснинг ўнинчи, айтиш мумкинки, юбилей сессиясида, деди у, республикамиз мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлга яна бир бор назар ташлаймиз, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ишлаб чиққан йўлнинг тўғрилигига, бу йўл узоқни кўриб, донолик билан ишлаб чиқилганига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қиламиз, бу йўл халқаро миқёсда кенг эътироф этилди ва Ўзбекистон модели номи билан тарихга кирди. Ўзбекистон халқи XXI аср бўсағасида Ўзбекистоннинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашини белгилаб берадиган улкан янгиланишларни тарихан қисқа даврда ортиқча қийинчиликларсиз амалга ошира олди.

Халқимиз ҳозирги барча муваффақиятларни ва келажакка ишончини давлатимиз бошлиғи, Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ томонидан сайланган Президенти, бутун ҳаётини Ватанимизнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнашига бағишлаган Ислом Каримовнинг номи ва фаолияти билан ҳақли равишда боғламоқда.

Олий Мажлис депутатлари халқ иродасини ифодалаб, Ўзбекистон давлат қурилишидаги ва жаҳон ҳамжамиятида миллат обрўсини оширишдаги, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлашдаги, маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун ва туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримовни "Амир Темур" ордени билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлатининг вужудга келишида ва унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримовга "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони берилди.

Депутатлар Э. Воҳидов, А. Ғуломмаҳмудов, Н. Иброҳимов, М. Эгамова ва С. Усмонов Ўзбекистон Президентини мукофотлар билан табрикладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия якунида сўзга чиқди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси шу билан ўз ишини тугаллади.

## ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Бадиий академияси Фарғона вилоят ҳокимлиги билан биргаликда қомусий аллома, аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги юбилей рамзини(эмблемаси) яратиш бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танловда профессионал ва ҳаваскор рассомлар иштирок этиши мумкин. Энг яхши лойиҳалар учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилади:**

**1 та биринчи ўрин — 30 минг сўм**
**2 та иккинчи ўрин — 20 минг сўм**
**3 та учинчи ўрин — 10 минг сўм**

Лойиҳалар Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 40-уйда, Ўзбекистон Бадиий академиясининг ахборот бошқармасида 1998 йил 8 январгача қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:**

*56-50-47*
*56-53-46*
*56-56-17.*

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг равнақига улкан ҳисса қўшган аллома Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тадбирлари рамзи (эмблемаси) учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Лойиҳалар Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси,40-уйда, Ўзбекистон Бадиий академиясининг ахборот бошқармасида 1998 йил 8 январгача қабул қилинади.

**Тақдим этилган лойиҳалар танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилгач, ғолиб деб топилганлари Ташкилий қўмита тасдиғига киритилади. Энг яхши деб топилган рамз лойиҳалари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**1 та биринчи мукофот — 30 минг сўм**
**2 та иккинчи мукофот ҳар бири — 15 минг сўмдан**
**3 та учинчи мукофот ҳар бири — 10 минг сўмдан**

**Маълумот учун телефонлар:**

*56-50-47*
*56-53-46*
*56-56-17*

**Сўз — сессия қатнашчиларига**

## ОРЗУИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚИШИ МУҚАРРАР

***Олий Мажлис депутатлари сессиядан сўнг қабул қилинган қонунлар юзасидан ана шундай хулосага келдилар.***



**Эркин АЪЗАМОВ, 145-Шўрчи сайлов округидан депутат:**

— Ҳар қандай қонун ҳам жамият ҳаётининг тегишли соҳалари фаолиятини тартибга солишга, шу соҳага оид ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беришга хизмат қилишини яхши биламиз. Аммо қонунга ёндошганда биз кўпинча унинг ҳуқуқий меъёрлар акс этган ўринларига зўр берамиз-у, бурч ва масъулиятга алоқадор жиҳатларига унчалик аҳамият бермаймиз. Ҳолбуки, фақат ҳуқуқлар мажмуидан иборат бўлган ҳужжат қонун ҳисобланади.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида ҳам шундай ҳолат кўрилди. Баъзи ҳамкасбларимизга лойиҳада белгиланган ҳуқуқларимиз етарли эмасдек туюлди, улар мутлоқ ҳуқуқлар тамойилини ёқлаб фикр билдирдилар. Бу ҳам яхши, бироқ барча журналистларимиз ҳам бирдек ҳалол, ҳақгўй, суиистеъмолга йўл қўймайди дея оламизми?!

Шу бир йилнинг ўзида матбуот ва журналист фаолиятига оид учта қонун эълон қилинди. Ҳар учаласи ҳам бугунги тарихий вазият нуқтаи назаридан пишиқ-пухта дейиш мумкин.

Энди ана шу ҳужжатларга сўзда эмас, амалда риоя қилсак, уларни фаолиятимизнинг дастуриламалига айлантира билсак, «Тўртинчи ҳокимият» ҳақидаги орзуимиз рўёбга чиқиши муқаррар.

**Раҳима ҲАКИМОВА, 121-Самарқанд сайлов округидан депутат:**



— Энг аввало, аёл, она бўлганлигим учун ҳам сессияда биринчи ўқишда қабул қилинган Оила кодекси лойиҳаси ҳақида гапиришни истардим.

Оила кодекси лойиҳасининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари бор. У биринчидан, авалгиси — амалдагисидан тубдан фарқ қилади. Иккинчидан, унда миллий урф-одатларимиз ўзининг тўлиқ ифодасини топган, деб ҳисоблайман.

Оила — бу бизнинг бирлигимиз, осойишталигимиз ва барқарорлигимизнинг асосий гаровидир. Оила бундан ташқари миллатимиз тимсоли ҳамдир. Чунки барча эзгу хислатлар, фазилатлар, энг аввало, оиладаги муҳитга, шароитга боғлиқ бўлади. 1998 йилни Оила йили, деб эълон қилинганлиги эса оиланинг маънавий, ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатларига эътибор кучайтирилади демакдир. Оила кодекси лойиҳасида ҳам оиланинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Турғун БОТИРОВ, 175- Чиноз сайлов округидан депутат:**

— Президентимиз сессияда қилган маърузасида мамлакат фаровонлиги кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ, деб ҳақ гапни айтдилар. Мен бу гапни фақат депутат бўлганлигим учун эмас, балки қишлоқ хўжалик мутахассиси сифатида ҳам айтаяпман.

Қишлоқ хўжалик соҳасида юқори ҳосил олишнинг асосий манбаларидан бири ер унумдорлигини оширишдир. Бунинг учун эса аввал унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашимиз лозим.

Хабарингиз бор, сессияда Ер кодекси лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Бу эса



ҳаммамизга ушбу ҳужжатни атрофлича муҳокама қилиш учун имконият яратади. Олдимизда ер унумдорлигини ошириш вазифаси турган экан, бунинг учун ушбу ҳужжатни жойларда амалиётчилар, мутахассислар билан биргаликда обдон муҳокама қилишимиз лозим. Токи, у янада мукаммал бўлсин, тараққиётимизга хизмат қилсин.

**Шарофат НОРБОЕВА, 139-Ангор сайлов округидан депутат:**

— Мазкур сессия Ўзбекистон тарихи солномасидан алоҳида ўрин олади, деб ўйлайман. Чунки унда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар талаб этаётган муҳим қонунлар қабул қилинди.

Президентимизнинг нутқи сессия ишига жўшқинлик бағишлади, бизни беҳад тўлқинлантирди. Унда таъкидлаб ўтилган қишлоқ хўжалигидаги муаммолар ўз вақтида ечимини топса, жамиятимиз тараққиёти янада илгарилаб кетиши шубҳасиз.

Сессияда биринчи ўқишда маъқулланган Оила кодекси лойиҳаси, айниқса, ҳаётимиз учун аҳамиятлидир. Бу ҳужжатда оилани мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси, соғлом авлодларни вояга етказиш, ота-оналарнинг ва фарзандларнинг бурчлари каби масалалар кенг қамраб олинган. Жамиятнинг ўзаги бўлган оилани муқаддас билиш бизнинг руҳимизга сингтиб кетган. Кодекс лойиҳасида ана шундай миллий руҳият акс этган, оилалар пойдевори ҳуқуқий мустаҳкамланган.

Мана Олий Мажлис X сессияси ҳам ўз ишини якунлади. У ниҳоятда ишчанлик кайфиятида ўтди. Депутатларимиз ҳар бир масалага жиддий ёндошдилар.

Сессияда қабул қилинган қонун ҳужжатлари жамиятимизнинг иқтисодий юксалишига, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошишига ҳуқуқий кафолат бўлади, албатта.



***«Халқ сўзи» мухбирлари Исмат ХУДОЁРОВ, Ойбек РАҲИМОВ суҳбатлашди.***

## АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ — ЖУМА ХАБАРЛАРИ

**ЭЪТИРОФ**

### БУЮК АЛЛОМАГА ТАЪЗИМ

**Набижон СОБИР, ўз мухбиримиз:**

***Фиқҳ фанига муносиб ҳисса қўшган, ҳуқуқий билимларни бир тизимга келтириб яхлит фан даражасига кўтарган назариётчи Бурҳониддин Марғиноний билан юртдошларимиз эмас, балки бутун Ислом олами ҳақли равишда фахрланади. Яқинда Марғилонда буюк аллома мероси ва унинг аҳамияти мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази директори Акмал Саидов «Бурҳониддин Марғиноний — буюк ҳуқуқшунос» мавзуида маъруза қилди. Конференцияда сўзга чиққан БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги вакили, профессор Нур Фароғат, францияли профессор Тьер Шувен, диний уламолар, фиқҳ олимлари бобомизнинг ҳуқуқий маданият пайдо бўлишида қўшган улкан ҳиссаси ва унинг шоҳ асари «Ҳидоя»нинг тарихимиз, маданиятимизда тутган ўрни ҳақида гапирдилар.***

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА**

### УЧ СОАТЛИК ЧИРОҚ

**Эркин ЎРОЗОВ, Қўнғирот шаҳри.**

***Ажабланманг. Олтинкўл қўрғонининг Воскобойников (номини қаранг!) кўчасида яшовчилардан сўраб кўринг.Шу йилнинг бошидан бери мунтазам равишда электр чироғи ўчирилади. Шаҳар электр тармоқлари идорасига кўп қатнадик. Ишонасизми, тунги соат 2 дан азон пайти 5 гача чироқ ёнади. Бундай «тескари ўйин» қачонгача давом этади?***

**ЭШИТДИНГИЗМИ ?**

### ҚУЁШДАН КАТТА ЮЛДУЗ

***Бу ҳақда эшитиб ҳайрон бўлдик. Нега дерсиз. Чунки шу пайтгача ҳаммамиз Қуёшни энг катта юлдуз деб юрардик-да.***

***Чили ва Австралия астрономлари Жанубий Дорада юлдузлар туркумига кирувчи коинотдаги энг йирик юлдузни кашф этди. Аниқланишича, мазкур юлдуз қуёшдан 400 баробар катта экан.***

***Олимлар янги юлдузга "Р-Дорадус", деб ном қўйишди. Р-Дорадуснинг ўзига хос томони шундаки, унинг сиртидан газ ажралиб чиқиб, сайёра шаклида туман ҳосил қилади ва янги юлдузларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.***

**ОББО !**

### ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРГАЧ...

**Ҳакимжон ЮНУСОВ, Транспорт ички ишлар бошқармаси ходими, катта лейтенант.**

***Бекобод шаҳрида яшовчи 57 ёшли хоним, нафақадаги С.Ларисани ҳам шайтон йўлдан урган кўринади. Не ниятлар билан бир амаллаб 298-сонли Андижон-Самара поездининг 1-вагонига ўтирди-ю, Олот бекатигача юрак ҳовучлаб борди. «Кекса аёл бўлсам, кимнинг мен билан иши бор», деб ўзини-ўзи овута бошлади. Поезд Бухородан эсон-омон ўтиб, йўлга тушиши билан Лариса холанинг кўнгли кундай равшан тортиб, таскин топди. Яъни қўлига тушажак мўмай пулларни ўйлай кетди. Хаёли бир жойга етмасдан ўй-фикрларга ғарқ бўлиб ўтирганда рўпарасида Бухоро шоҳбекатидаги ички ишлар бошқармаси ходимларидан бир гуруҳи турганлигини кўрди.***

***Ноилож, ўзга чора қолмади. Нақд 7 килограмму 100 грамм «опий» ва 400 грамм миқдордаги «гашиш» гиёҳвандлик моддасини сумкасидан чиқариб берди.***

***Энди Ларисахоним хаёлидан ўтган кечинмаларни эринмасдан тергов жараёнида сўзлаб берса ажаб эмас.***

**Телефонларимиз:**
133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

**Соат милларини Қўчқор НОРҚОБИЛ кузатди.**

● ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

# КЎНГИЛ ОФТОБДАЙ ЧАРАҚЛАБ ТУРСА

— Мен ҳар йили ҳовлимга ҳавас билан дарахт кўчатлари ўтқазаман. Улар гуллаб мева тукканида, дастурхонга ана шу меваларни қўйганимда гапнинг очиғи, хурсанд бўлиб кетаман. Бунинг боиси шуки, кўнглимдан шу дарахтни мен экканман, унинг гуллашида, мева тугишида менинг ҳам ҳиссам бор, деган ўй ўтади. Қаранг, ердан озиқ, қуёшдан нур эмиб етилган шу неъмат кўнгилга нақадар завқ бағишлайди. Демак, инсон боласи ўз меҳнатидан роҳатланса унинг кўнгли ҳам офтобдай чарақлаб, нурларга тўлиб кетади.

**Исроил Йўлдошевич Эрбеков 1951 йилда Ховос туманининг Пучуқой қишлоғида туғилган. Айни пайтда Ширин шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келмоқда. Ҳамсуҳбатини диққат билан тинглаш, тушунишдай, нозик қобилиятга эга.**

— Инсон боласига кўп нарса керак эмас, дейишади. Унга бир бурда нон, бир қултум сув ки Албатта, бу қаноат деган буюк тушунчанинг ҳосиласидир. Аслида одам боласи тонгнинг малоҳати, гулларнинг ранги, қушларнинг чуғури, барглар шивири-ю, най камалак товланишидан баҳраманд бўлмоғи керак. Завқланиш, қониқиш ҳисси ҳар бир кишининг дунёқараши ва юрак уфқларининг кенглигига боғлиқ. Шаҳримизда салкам 13 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Янги йил арафасида кундаликни варақлаб орадан ўтган вақтга баҳо бераман. Кейинги бир-икки йил ичида раҳбарлар олдига оилавий қўйдичиқди, турар-жой масалаларидаги жанжаллар билан келувчилар нисбатан камайиб қолди. Демак, корхона ва ташкилот раҳбарлари ўз ишларига тобора жиддий ёндоша бошлади. Бу қувончли ҳол. Келувчиларнинг аксариятини ҳуқуқ-тарғибот органлари билан боғлиқ ишлар ташкил этади. Имкон борича бундай одамлар билан мулоқот юритиш, тушунтириш, йўл-йўриқлар кўрсатиш йўлларини қидирамиз.

Ишлаб чиқариш унумдорлиги тўғрисида кўп гапириб, кўп ёзамиз. Бу, авваламбор, ҳар бир фуқаронинг онгига боғлиқ. Ҳайбаракаллачилик билан меҳнат унумдорлигига эришиб бўлмайди. Юрагида мана шу завод, мана шу фабрика, мана шу кичик корхона меники, оиламнинг фаровонлиги меҳнатим маҳсулига боғлиқ деган ўй-хаёлга келган одам, албатта, яхши ишлайди. Учрашувлар, турли мулоқотлар, матбуот чиқишлари айнан мана шу фикрларни кенгроқ тушунтиришга, унинг мағзини чақишга йўналтирилганлиги яхши самара бераяпти. Депутат сифатида қаерда бўлмайин, қайси корхонага бормайин, илғорларни номма-ном тилга олиб, уларнинг ишини бошқаларга намуна қилиб кўрсатаман. Бу нарсадан ўша одамнинг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетади. У нуфузини энди йўқотмаслик учун ҳаракат қилади. Бошқалар ҳам унга ўзлари сезмаган ҳолда эргаша бошлайди.

Шаҳарда яхши бир ишни йўлга қўйганмиз. Ҳар ой икки-уч бор ҳуқуқий масалалар бўйича марказий кенгаш йиғилишларини ўтказамиз. Унга раис этиб шаҳар прокурори Комилжон Одиловни сайлаганмиз. Тўпланганимизда баҳс, савол-жавоб шу қадар қизиб кетадики, биров-бировнинг амалига қараб сийлаб ўтирмайди. Гап келганда отангни аяма, деганлари шу бўлса керак. Бундай учрашувларга раҳбарлар, педагоглар, боғча мудиралари, оддий ишчилар ва умуман барча қизиққанлар таклиф этилади. Бу ҳуқуқий билим, ҳуқуқий саводхонлик бозор иқтисодиёти шароитида сув билан ҳаводек зарур. Йиғилишда иштирок этганлар ўз жамоаларига бориб муҳокама этилган масалалар мағзини, мунозарада туғилган фикрларини кўпчиликка гапириб беришади. Депутат сифатида бундай ҳолнинг аҳамиятини юқори баҳолайман. Иқтисодий ва ҳуқуқий билимни оширишдан мақсадимиз битта: ҳар икки соҳада етарли билимга эга одам жамиятдаги ўрнини, ундаги ўзининг иштирокини тўлиқ англаб етади. Бундай одамлар ўзига хос шаклда фикрлашга, меҳнат қилишга ўрганади.

**Ширин — нурчилар шаҳри. Сирдарё ГРЭСи ва Фарҳод ГЭСи биргаликда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг учдан бирини беради. Шаҳарда ўн бир ой ичида капитал қурилиш ва ободончиликка бир ярим миллиард сўм маблағ сарфланди. Бир кеча-кундузда ўн тонна нон ёпадиган, бир тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, икки тонна спирт тайёрлайдиган кичик заводлар ишга туширилди. Келгуси йилнинг биринчи ярмида кунига 3 минг шартли идиш помидор ва бодринг ёпадиган ҳамда 2,5 минг литр пиво ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ишга туширилади. Ширинликлар бу ишларни венгриялик ва германиялик ишбилармонлар билан амалга оширишади. Ширинда ўнга яқин катта-кичик завод ва фабрикалар, ўттизга яқин хусусий ва кичик корхоналар муваффақият билан ишлаб турибди.**

— Ҳар икки нурхонамизда маҳаллий миллат вакиллари — йигит-қизларни турли жойларга ўқишга юбориб, малакали кадрлар тайёрлашга эришдик. Бугунги кунда ана шу ёшлар нурхоналарда юксак унум билан меҳнат қилишмоқда . Улар энг нозик вазифаларни ҳам бекаму кўст адо этишяпти. Бу ҳол ёшларимизнинг ақл-заковатидан, келажакка тоза умид билан боқишларидан далолатдир. Японлардан келгуси асрларда қайси мамлакатларда қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестиция жойлаштириш тўғрисида сўрашганда улар «XXI асрда четга биз техника ва технология эмас, балки асосан интеллект экспорт қиламиз» дейишган экан. Зотан ғоя ва тафаккурнинг бугунги ҳаётдаги ўрни беқиёсдир. Ёшларимизда ана шундай хусусиятларни шакллантириш, кўмаклашиш мақсадида мактаб ва болалар боғчасига кўп бораман. Кичкинтойлар билан суҳбатлашиш, уларнинг ички дунёқарашларини илғаб олиш мен учун ниҳоятда муҳим. Ана шунда ён дафтаримда кўплаб ёзувлар, режалар пайдо бўлади. Ахир буюк юртимизнинг эртанги куни мана шу жажжи ўғил-қизларга боғлиқ эмасми?! Уларнинг ақлан етук, жисмонан соғлом ўсишлари учун маблағ, вақт ва ҳаловатсиз кунларни қизғанмаслигимиз керак. Ҳали бу ниҳоллар ўсиб-улғайиб улкан чинорлар ва мевали боғларга айланади.

Сайловчилар билан илк учрашув кезлари Боёвут туманида юзлаб ёшларни лицей, коллежларда ўқитишни ташкил этиш, Ширин шаҳридаги саноат корхоналарига уларни жалб этиш тўғрисида сўз кетганди. Уларнинг ҳаммаси амалга ошди. Мактаб, касалхона, газ қувурлари тўғрисидаги топшириқлар ҳам босқичма-босқич бажарилаяпти. Албатта, бу ишларни депутатнинг бир ўзи эплай олмайди. Бу нарсалар жойлардаги раҳбарларга кўмаклашиш, маслаҳатлашиш тарзида ўзининг охирги нуқтасига етади.

Бундай қарасанг, анча ишлар қилингандай туюлади. Аслида эса, ширинликлар ҳали катта ишларнинг эндигина бошида турибди. Келгусида, аниқроғи, чорак асрдан сўнг шаҳримизда юз минг аҳоли истиқомат қилади, десам мени ҳазиллашаяпти, деб ўйлашади. Орзуга айб йўқ, бу орзулар амалга ошишига, шаҳардаги одамлар энг бахтли, энг гўзал одамларга ошно бўлиб яшашларига қаттиқ ишонаман. Зотан, юртимизда амалга ошган буюк истиқболнинг, буюк даврнинг асл мақсади ҳам шу эмасми.

**Исроил Йўлдошевич орзу қилиш тўғрисида гапириб, «Бу туйғу инсон қалбини ёшартиради, орзуси бўлмаган одам қоронғида йўлини тополмаётган кимсадан фарқи йўқдир» деди.**

**Ҳа, кўнглида орзу офтоби чарақлаган одамларнинг йўллари ойдин, улар тушган умр қайиқларининг манзили эса нурга кўмилган бўлади.**

**«Халқ сўзи» мухбири Алиқул ХОНИМҚУЛОВ ёзиб олди.**

Якун ва сабоқ

**Тўқсон олтинчи йили Қизириқ тумани етмиш миллион сўмга яқин пулга уруғлик ғалла сотиб олганди.**

**Тўқсон еттинчи йили бошқача бўлди:туман деҳқонлари вилоятнинг етти-саккиз туманига 70 миллион сўмга сараланган уруғлик ғалла сотди. Уруғ саралаш заводининг ишга туширилгани чиндан ҳам қизириқликларга ризқ-насиба келтирди.**

# ЁРУҒЛИК

Гап фақат завод қурилганида эмас.

Қизириқда ҳосил яхши бўлди. Тўқсон олтинчи йили бу ерда 10375 гектардан йигирма минг 600 тонна дон ишлаб чиқарилган бўлса, тўқсон еттинчи йили 9375 гектар ердан 30 минг 344 тонна ғалла етиштирилди. Кўряпсизми, майдон минг гектарга қисқаргани ҳолда ҳосил қарийб ўн минг тоннага кўпайган.

Ютуқнинг сабаби оддий — меҳнат. Экинни суғориш, озиқлантириш ва ниҳоятда ўримни вақтида ўтказиш.

Тўқсон саккизинчи йилда қизириқликлар ғалла ҳосилдорлигини қирқ центнерга етказишмоқчи. Ғаллани бир текис ундириб олганларини, озиқлантириш ташвишларини қилаётганини кўрсангиз, беҳудага қирқ центнерни (тўқсон олтинчи йилдагидан бу икки баравар кўп дегани ахир) тилга олмаётганларига ишонгингиз келади.

Гап орасида мен туман ҳокими Йўлдош Шойматовга йигирманчи ноябрга келиб деярли барча далаларда пахта оппоқ очилиб қолганини айтдим.

— Лекин ўша очилган пахтани ҳеч ким териб олмади. Фақат Қизириқда эмас, вилоятнинг кўпчилик туманларида ҳам шундай бўлди, — деди у фикрингизни сездим дегандай қилиб. — Нима учун, масалан, пахта тайёрлаш шартномасига ўн фоиз етмай қолганда — ноябрь ойи бошларида теримни тўхтатдик? Сабаби — кун совиди. Теримчининг бир кунлик иш унуми беш килодан ошмай қолди.

Декабрь ойига келиб очилган пахта энди бу кечки пахта. Пахтанинг кечикканига ғўза айбдорми, йўқ. Вақтида темтинмаган (ҳаракат қилмаган) деҳқоннинг хатоси бу. Биринчидан, шудгор юза бўлган. Ғалла тупроқ юзасининг ўн беш сантиметр қатламида тирикчилик қилади. Энди вақтида плуг шунчаки тирнаб кетган — сифатсиз шудгор қилинган ерда ўсган ғўзани ковлаб кўринг. Илдизи худди ғалланикидай бўлиб тарвақайлаб кетган бўлади, ўқ илдиз санг тупроқда томир отолмайди-да. Ўқ илдизи ўсмаган ғўза меъёридан ошган озгина иссиқлик, озгина сувсизлик бўлсин, тамом — шонасини ташлаб юбораверади.

Иккинчидан, пахтага аталган минерал ўғитнинг ярмини биз июль ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб олдик. Ғўзамиз декабрга келиб қийғос очилгани — шундан. Бу хато деҳқонникими ё деҳқонга ўғит етказиб беришни зиммасига олиб турган таъминотчиларникими...билмадим.

Қизириқда бу йил шудгор яхши ўтказилди. Айрим деҳқонларнинг хотирасидан кўтарилай деб қолган усул — ерга органик ўғит солиш жорий қилинаяпти. Ернинг баҳоли қудрат шўри кўчириляпти. Ғалладан баҳра топиб, косаси оқараётган деҳқон пахтачиликни ҳам силжитиб юборса...

— Шудгору ўғитдан ҳам нозикроқ, муҳимроқ бир масала бор, — дейди Шойматов. — Оғайнибозликми, таниш-билишчиликми ё порами деган бир курк товуқ бор. Бу товуқнинг қанотидан чиққан жўжалар айрим ҳолларда кўпнинг насибасига кўкракни шамолга бериб ишлашимизга тушов бўлмоқда. Ёлғон гапни, хушомадни, фақат ўзим бўлайин деган ақидани четга суриб қўйиб, ҳамма бараварига от солиб ишласин-чи...

**Олимжон УСАНОВ.**



*Онажонимиз — соябонимиз.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ сурат-лавҳаси.**

● ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

## КОМПЬЮТЕР СИНФЛАРИ

Жиззахлик иқтидорли болалар янги йил арафасида Халқ таълими вазирлигидан ажойиб совға олдилар. Уларга тўлиқ мебель жиҳозлари билан биргаликда олтита синфга мўлжалланган компьютерлар комплекти топширилди.

Вазирликдан келган мутахассислар ушбу компьютерларни Жиззах шаҳридаги «Умид» лицейига, 3-касб - ҳунар мактабига, Жиззах туманидаги 17-ўрта мактабга, Арнасой, Дўстлик, Зарбдор туманларидаги иқтидорли болалар лицейларига ўрнатиб берди.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯРМАРКА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Янги йил байрами муносабати билан Наманган шаҳрида ва барча туманлар марказларида савдо ярмаркалари бўлиб ўтмоқда. Унда полиз, мева-сабзавот каби барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тортиб, саноат молларигача ўрин олган. Муҳими, ярмаркага олиб чиқилган барча маҳсулотлар аҳолига бозор нархидан 20-30 фоиз арзон сотилмоқда. Бу, албатта, янги йил дастурхони тўкин бўлишини таъминлайди.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ*

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

«Ўзбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг касаба қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини яхшилаш, касб касалликларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида 200 га яқин ходим шифохоналарда даволанди. Деярли бир минг кишига саломатлигини тиклаб олиш учун имтиёзли йўлланма берилди. Ишчилар учун учта ошхонада парҳез таомлар тайёрланмоқда.

— Умуман, металлургларимизнинг саломатликларини тиклаш учун корхонамиз ҳисобидан 8 миллион сўм маблағ сарфладик, — дейди касаба қўмитасининг раиси Мирзамурод Боймуродов. — Лекин соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига эътирозларимиз бор. «Тез ёрдам»нинг иши суст. Шифохоналарда оддий дори-дармон ҳам топилмай қолмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, келаси йили эҳтиёжи учун 200 минг сўмлик дори-дармон олиб қўйяпмиз.

## ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси маъмурияти бош ҳуқуқшунос-маслаҳатчи А. Алимхўжаевани вазифасидан озод қилди. У бу ҳаракатнинг ноқонунийлигини айтиб, деҳқончилик-саноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасига мурожаат этди. Текширишлар шикоятчи ҳақ эканлигини кўрсатди. У қонунсиз ишдан бўшатилганлиги ойдинлашгач, вилоят касаба қўмитаси унинг меҳнат ҳуқуқларини тиклашга киришди.

Лекин корхона маъмурияти ўринли тавсияларни инобатга олмади, ўз фикридан қайтмади, адолатни тиклашдан бош тортди. Шундан кейин вилоят касаба қўмитаси А. Алимхўжаевани ўз ишига тиклаш юзасидан даъво аризаси билан судга мурожаат қилди. Суд жараёнида меҳнат муносабатлари маъмурият томонидан ноқонуний тўхтатилганлиги исботланди. Суд қарорига биноан у ўз вазифасига тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди.

— Афсуски, меҳнат муносабатларини қонун талабларига зид равишда тўхтатиш ҳоллари Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида кўп учрайди, — дейди вилоят касаба қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Шокиров. — Ирода Эргашева, Насиба Ашурова, Турсуной Манноновалар ҳам ўз меҳнат ҳуқуқларини тиклашда ёрдам сўраб бизга мурожаат қилишди. Ҳаммаларига тегишли ҳуқуқий маслаҳат бериб, амалий ёрдам кўрсатдик.

**Ж. САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг матбуот ва ахборот шўъбаси мудири.**

● ДАЛИЛЛАРДА КЎРИНГАН ҲАҚИҚАТ

# ТЕСТ НАТИЖАЛАРИГА БИР НАЗАР...

**Халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилишда замонавий тест синовларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади**

Ўқув юртларига абитуриентларни қабул қилиш жараёнида Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган тест тизимининг қўлланилиши турли минтақалардаги таълим аҳволини таҳлил этиш, фанлар (унинг бўлимлари ва қисмлари) бўйича дарс самарадорлигини баҳолаш, педагогларнинг малакасини аниқлаш, мактабларнинг ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланганлигини билиш, шунингдек, дарсликларимиздаги камчиликларни, таълим тизимидаги баъзи самарасиз усулларни бартараф этишда қўл келмоқда.

1996 йилдаги тест натижаларининг таҳлили, бу натижаларнинг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, шунингдек, республиканинг барча вилоятларидаги педагогик жамоалар ва халқ таълими ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилиниши, тест ўтказиш технологиясининг такомиллаштирилиши пировардида одамлар фикр-мулоҳазасини ўқувчилар билими ва педагоглар фаолиятлари натижасини баҳолашнинг жаҳон амалиётида тан олинган тест синови усули фойдасига ўзгартиришга олиб келди.

Абитуриентларни тест технологиясига ўргатиш мақсадида «Ахборотнома», «Вестник» журналлари турли илмий-услубий қўлланмалар, видео материаллар, махсус плакатлар тайёрланди, телевидение, радио ва матбуот орқали тест ўтказишнинг турли-туман масалалари кенг ёритилди.

1996 йилда кўп вариантли тест тизими дастури ишлаб чиқилиб, барча жараёнлар энг замонавий автоматик қурилмалар воситасида бажарилган бўлса, жорий йилда автоматлаштирилган «АБТ — абитуриент» дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу дастур ёрдамида абитуриентларни нафақат гуруҳларга, балки аудиторияларга жойлаштириш ҳам машиналарга юклатилди.

Шу сабабли ҳам билимларни холисона баҳолашнинг тест усулига нисбатан кенг халқ оммасининг фикри қисқа вақт ичида кескин ўзгарди. Улар тест тизими — адолат мезони эканлигини эътироф этмоқдалар.

Абитуриентларни тест усулига танлаб олишдаги ҳаққонийлик ва ижтимоий адолат олий ўқув юртларига кирган абитуриентларнинг ижтимоий таркиби бўйича олинган ишонарли статистик умумлашмалар билан ҳам тасдиқланади.

Республика олий ўқув юртлари бўйича қилинган таҳлилда ўқишга кирган абитуриентларнинг 45,1 фоизи ишчилар ва қишлоқ меҳнаткашларининг болалари, 48 фоизи эса зиёлилар оиласидан эканлиги маълум бўлди. Ўқишга кирганларнинг 6,9 фоизигина ишбилармонларнинг фарзандларидир.

Ушбу йилда тўлов-шартнома асосида таълим олиш имконияти кенгайди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларига қабул ҳақида»ги қарорига мувофиқ, қабулнинг давлат грантлари 21000 та деб белгиланган бўлса, тўлов-шартнома асосида қабул учун ҳам давлат грантларига тенг миқдорда жой ажратилди.

1997 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун ариза берган абитуриентлар сони 1996 йилдагидан анча ортиқ бўлиб, 221744 тани ташкил этди.

Бу, биринчидан, ёшларимизнинг таълим олишга интилиши кучайганини билдирса, иккинчидан, билимларни ҳаққоний баҳолаш усули сифатида тест синовларига нисбатан ишончнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

1997 йилда олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига ўқишга киришни истаганларнинг 62,5 фоизини 1997 йилда мактабни битирганлар, 37,5 фоизини ўтган йилларда мактабни битирганлар ташкил қилиб, улардан 59,2 фоизи йигитлар, 40,8 фоизи эса қизлардир.

Шу билан бирга, ўтган йилларда мактабни тугатганларнинг ўртача баллари ушбу йилда ўқув юртларини битирганларнинг айрим кўрсаткичларидан юқорироқ бўлганки, бу ҳол ёшларимизнинг билим олишига нисбатан собитқадамлиги ҳамда уларнинг мактабни тугатгандан кейинги тайёргарлик самарадорлиги ортганлигини тасдиқлайди. Қизлар тўплаган ўртача балл йигитлар тўплаганидан кўра юқорироқ бўлиб чиқди.

Лицейларни битирган абитуриентларнинг ўртача баллари 128,8 ни, умутаълим мактабларини битирганларники 102,4 ни, ҳунар-техника билим юртларини битирганларники эса 91,6 ни ташкил этди. Бу ҳол яна бир бор ўқув юртларининг янги турлари (лицейлар, гимназиялар)ни ривожлантириш зарурлигини тасдиқлайди.

Тест якунлари натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, республикамиз бўйича танлов бир ўринга 4-5 абитуриентни ташкил этиб, бу кўрсаткич МДҲ давлатларига қараганда анча юқорироқдир. Бу ҳол мамлакатимизда олий таълимга эътибор ва эҳтиёж кучлилигидан далолат беради. Яна шуни айтиш керакки, университетлар, тиббиёт, ҳуқуқ ва иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари ёшларимиз учун ўта нуфузли эканлиги маълум бўлди.

Афсуски, Маданият ишлари вазирлиги олий ўқув юртларида танловга деярли эҳтиёж сезилмаяпти.

Ўтиш балларидаги кескин фарқнинг мавжудлиги эса абитуриентларнинг тайёргарлигида бир хиллик йўқлигидан, республика ўқув юртларига, давлат таълим стандартларининг жорий этилмаганидан дарак беради.

Энг муҳим муаммо — қобилиятли ёшларни танлаб олишда ўтиш балларининг тафовут даражасини энг кичик миқдоргача олиб келишдир.

Буларнинг барчаси, олий ўқув юртлари ва таълим йўналишларидан қатъий назар, юқори балли абитуриентларни танлаб олиш тартибини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Бутун республика бўйича ягона танлов тизими яратилганда ва энг юқори балли абитуриентларни танлаб олиб, уларни танлаган мутахассисликлари бўйича республиканинг барча олий ўқув юртларига тақсимлашни таъминловчи алгоритм ва махсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилгандагина мазкур тартибни амалга ошириш мумкин бўлади.

Ижобий омил сифатида шуни қайд этиш лозимки, бир қатор йўналиш ва мутахассисликлар бўйича қишлоқ мактаблари битирувчиларининг ўртача баллари шаҳарликларникига қараганда баландроқ, бир қатор таълим йўналишлари ва мутахассисликларда эса уларнинг кўрсаткичлари тенг даражада бўлган.

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларда физика, инглиз, немис ва француз тиллари бўйича бутун республика миқёсида самарадорлик кўрсаткичи 1996 йилга нисбатан бирмунча ўсган.

Ушбу кўрсаткич тарих, математика ва биология бўйича 1996 йилга нисбатан ўзгаришсиз қолган.

Она тили ва кимё фанлари бўйича жавоблар самарадорлигининг 1996 йилга нисбатан пасайиши кузатилди.

Республика вилоятлари абитуриентларининг жавоблар самарадорлигини таққослаб, қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

1. Бухоро, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг абитуриентлари ўзбек тили ва адабиёти бўйича 1996 йилдаги каби, нисбатан юқори кўрсаткичга эришдилар. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри абитуриентларининг рус тили ва адабиёти бўйича тайёргарликлари анча юқори эканлиги маълум бўлди. Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси абитуриентлари она тилидан энг паст кўрсаткичларга эга бўлдилар.

2. Бухоро, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг абитуриентлари тарихдан энг яхши натижаларга эришганлар.

3. Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳ абитуриентлари табиий фанлар: математика, физика, биология ва кимё бўйича (1996 йилдаги каби) етакчи ўринни эгаллаб турибдилар. Сурхондарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ўрта мактабларининг битирувчилари нисбатан паст кўрсаткичларга эга бўлдилар. Таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти абитуриентлари анча самарали кўрсаткичга эга бўлган бўлса, биология ва кимё бўйича Қашқадарё вилояти абитуриентлари устун келдилар.

4. Ўтган йилдаги сингари, Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд вилоятлари абитуриентларининг чет тиллари бўйича жавоблар самарадорлигининг юқорилиги барқарор бўлиб қолди. Чет тиллар бўйича Сурхондарё, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари абитуриентларининг тайёргарлиги бўш эканлиги кўринди.

Республика вилоятларидаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг тайёргарлик аҳволи ва даражаси давлат таълим стандартларини жорий қилишни жадаллаштиришни, халқ таълими ходимларининг ўқув жараёни сифати учун жавобгарлигини оширишни талаб қилади.

Яқинда нашр қилинган «1997 йил тест якунлари» (аналитик материал) китобидан Сиз қизиқарли статистик маълумотларни олишингиз мумкин. Ушбу фактик материал ишончли илмий хулосалар чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, файласуфлардан бири «Фактларнинг аҳамиятини камситмайлик: қачондир унда ҳақиқат чечаги гул очади» деганда тамоман ҳақ эди.



Ўзбекистонда дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи

surkhan

# "Сурхон Ажанта Фарма Лимитед"

қўшма корхонаси

Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги

## 1998 йил

билан табриклайди ва

**улкан бахт ҳамда мустаҳкам саломатлик**

тилайди.



## Lufthansa

*Олмония "Люфтганза" авиакомпанияси Ўзбекистон аҳолисини ва меҳмонларини Янги йил билан табриклайди ҳамда 1998 йил 10 январидан 15 мартигача қуйидаги йўналишлар бўйича авиачипталарнинг нархи арзонлаштирилганини маълум қилади:*

| | |
|---|---|
| Тошкентдан Олмонияга ва қайтиб келиш | 649 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Болонья, Базель, Париж, Катанья, Рим, Женева, Милан, Ларнака, Лион, Мадрид, Мальта, Неаполь, Ницца, Турин,Тулуза, Венеция, Валенсия, Цюрихга ва қайтиб келиш | 699 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Нью-Йорк, Бостон, Вашингтон, Торонтога ва қайтиб келиш | 1099 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Майами, Атланта, Даллас, Хьюстон, Чикагога ва қайтиб келиш | 1199 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Лос-Анжелес, Сан-Франциско, Ванкувер, Калгарига ва қайтиб келиш | 1299 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Гонолулуга ва қайтиб келиш | 1599 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Лас-Вегас, ЯнгиОрлеанга ва қайтиб келиш | 1399 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Орландо, Тампога ва қайтиб келиш | 1199 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Феникс, Сан-Диегога ва қайтиб келиш | 1399 АҚШ $ |
| Тошкентдан Франкфурт орқали Сиэтлга ва қайтиб келиш | 1399 АҚШ $ |

Ҳар бир чипта нархига 30-40 АҚШ $ миқдорида аэропорт йиғими қўшилади.

**Ўринлар миқдори чекланган!**

Қўшимча ахборот ва олдиндан ўринни белгилаб қўйиш учун қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилинг:
Аэропорт: 55-34-20; 54-85-69. "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида жойлашган вакилимиз: 137-60-65






***ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !***

**"АСАКА" БАНКИ** пул ва қимматли буюмларни депозит сейфларда ижарага бериладиган ***шахсий депозитарий қутичаларда*** сақлашнинг янги тур хизматини таклиф этади.

***Сиз ўз қимматбаҳо буюмларингизни*** (қимматли металлар, заргарлик буюмлари ва бошқа қимматликлар) ***ва ҳужжатларни бус-бутун сақланишидан хавотир бўлмайсиз.***

***Сиз учун турли ҳажмдаги депозитарий қутичалар хизматда (мм):***

1). 55х320х490; 2). 88х320х490; 3). 198х320х490; 4). 308х320х490.

***СИР САҚЛАШГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.***

**ШОШИЛИНГ!** Депозитарий қутичалардан фойдаланмоқчи бўлган биринчи **ЎНТА** мижозга бир йил давомида **ҲАҚ ОЛМАЙ** хизмат кўрсатилади!

ASAKA BANK

*Манзилгоҳ: Тошкент ш., А.Қаҳҳор кўчаси, 73-уй, 302-хона.*
*Телефонлар: 50-36-18, 50-87-55.*



«ПГС» ФИРМАСИ

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

САНОАТ ЭЛЕКТРОПЛИТАЛАРИ



Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54.
"С. Раҳимов" метро бекати.

